



РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Исроилова Муҳаббат

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

ORCID: 0009-0002-3713-5286

isroilova-m@nuu.uz

Аннотация. Мазкур мақолада реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий ва амалий асослари чуқур таҳлил қилинади. Хусусан, иқтисодий тизимда давлатнинг ролини аниқлаш, тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини баҳолаш ҳамда соҳадаги институционал ва бозор ёндашувлари ўртасидаги ўзаро таъсирлар комплекс таҳлил этилади. Шундай ёндашувда давлат интервенциясининг меъёрий-ҳуқуқий, молиявий ва маъмурий воситалар орқали амалга оширилиши ҳамда уларнинг реал сектор субъектларига таъсири тизимли ёритилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг соҳага хос тармоқлари – саноат, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳаларида давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ва унинг барқарорликка таъсири ҳам илмий асосда муҳокама қилинади. Ушбу илмий иш натижалари асосида миллий иқтисодиётда реал секторни самарали тартибга солишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: реал сектор, иқтисодий сиёсат, институционал ёндашув, бозор механизмлари, давлат интервенцияси, маъмурий воситалар, иқтисодий барқарорлик, тармоқ сиёсатлари, соҳалараро муносабатлар.

ОСОБЕННОСТИ, МЕТОДЫ И ИНСТРУМЕНТЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА

Исроилова Муҳаббат

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улуғбека

Аннотация. В данной статье всесторонне анализируются теоретические и практические основы государственного регулирования реального сектора. В частности, определена роль государства в экономической системе, оценивается эффективность механизмов регулирования, а также комплексно исследуются взаимосвязи между институциональными и рыночными подходами в данной сфере. В таком подходе системно освещается реализация государственной интервенции посредством нормативно-правовых, финансовых и административных инструментов и их влияние на субъекты реального сектора. Кроме того, на научной основе рассматриваются особенности государственной политики в отраслевых сегментах экономики — промышленности, сельском хозяйстве, инфраструктуре и сфере услуг, а также её влияние на экономическую устойчивость. На основе результатов данного исследования разрабатываются предложения и рекомендации, направленные на эффективное регулирование реального сектора в национальной экономике.

Ключевые слова: реальный сектор, экономическая политика, институциональный подход, рыночные механизмы, государственная интервенция, административные инструменты, экономическая устойчивость, отраслевая политика, межотраслевые отношения.

SPECIFIC FEATURES, METHODS, AND INSTRUMENTS OF STATE REGULATION OF THE REAL SECTOR

Isroilova Mukhabbat

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Abstract. This article provides an in-depth analysis of the theoretical and practical foundations of state regulation of the real sector. Specifically, it defines the role of the state within the economic system, evaluates the effectiveness of regulatory mechanisms, and examines the interactions between institutional and market-based approaches in a comprehensive manner. Within this framework, the study systematically highlights how state intervention is implemented through legal, financial, and administrative instruments, and assesses their impact on real sector entities. Additionally, the paper explores the specific features of public policy in various sectors of the economy – including industry, agriculture, infrastructure, and services – and evaluates its influence on economic stability. Based on the findings, the study offers policy recommendations aimed at improving the efficiency of real sector regulation in the national economy.

Keywords: real sector, economic policy, institutional approach, market mechanisms, state intervention, administrative instruments, economic stability, sectoral policy, intersectoral relations.

Кириш.

Ҳозирги кунда давлатнинг реал секторни бозор воситасида тартибга солиш жараёнлари ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат импорт сонини камайтириш ёки иш билан бандликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражаси ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш зарур, деб топилган. Давлат якка тадбиркор ёки истеъмолчидан фарқли, жамият манфаатини кўзлаб, қўшимча ижобий самарани рағбатлантиришга ва аксинча салбий самара билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиши ва чеклашга ҳаракат қилиши зарур.

Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлатнинг жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш учун чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминловчи, умумий иқтисодий мувозанатга эришишга йўналтирилган, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти тушунилади (Вахабов ва бошқ., 2022).

Бу фаолиятда ҳар бир давлат муайян ишларни амалга оширади. Хусусан, иқтисодий - ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тизимни мамлакат ичида ва халқаро майдонда мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш кабилардир.

Тадқиқотлар реал секторни тартибга солишнинг илмий асослари қуйидаги йўналишлар мавжудлигини кўрсатади:

- Рақобатни ҳимоя қилиш;
- Даромадларни қайта тақсимлаш;
- Ресурсларни қайта тақсимлаш;
- Бойликларни қайта тақсимлаш;
- Иқтисодий тўлқинларни вужудга келтирадиган инфляция ва бандлик устидан назорат каби жараёнларни олиб боришдан иборат.

Халқаро амалиётда реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар амалга оширилган:

- Иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- Монополизмга қарши кураш сиёсатини ўтказиш;

- Бозор инфратузулмасини барпо этиш;
- Даромадларни қайта тақсимлаш;
- Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш иқтисодий ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги 158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда “барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш” каби асосий ғоялар ўз ифодасини топган. Хусусан, юқорида кўрсатилган реал секторни давлат томонидан тартибга солиш йўналишларига мос равишда “иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш йўналишига доир лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатларини камида 20 фоизга қисқартириш ҳамда 50 фоизини соддалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги қамровини 100 фоизга етказиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун содда ва ихчам қонунчилик тизимини яратиш; монополизмга қарши кураш сиёсатини ўтказиш йўналишига доир Республикада 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш; бозор инфратузулмасини барпо этиш йўналишига оид, хусусан, инвестицион сиёсатга доир 150 млрд. долларлик 500 дан зиёд технологик ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, барча иқтисодий зоналарда зарур инфратузилмадан узлуксиз фойдаланиш имкониятларини яратиш, “инфратузилма облигациялари” ни чиқариш амалиётини йўлга қўйиш; даромадларни қайта тақсимлаш йўналишига доир ЯИМ ҳажмини 160 млрд. долларга етказиш, аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш; кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишига доир кичик ва ўрта бизнеснинг халқаро бозорларга чиқишига имкониятларни кенгайтириш, бизнес учун қўшилган қиймат ва фойда солиқ ставкаларининг уч йил давомида оширилмаслигини кафолатлаш, расмий сектор – нолегал фаолиятдан афзал ва манфаатли бўлиши учун барча зарур шароитларни яратиш, тадбиркорларга барча хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида онлайн портал орқали кўрсатиш” каби мақсадларни амалга ошириш белгиланган.

Адабиётлар шарҳи.

Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш бўйича мавжуд адабиётлар тизимли равишда ўрганилганда, ушбу йўналиш иқтисодий назария, миллий сиёсат, хорижий тажриба ҳамда халқаро ташкилотлар тавсияларида кенг ёритилганлигини кўриш мумкин.

Назарий жиҳатдан, бу масалалар биринчи навбатда Кейнеснинг (1936) “The General Theory of Employment, Interest and Money” асарида чуқур асослаб берилган. У давлат аралашувининг зарурлигини иқтисодий беқарорлик даврида ишлаб чиқариш ва бандликни тиклаш воситаси сифатида кўрсатган. Шунингдек, Фридман (1962) ўзининг “Capitalism and Freedom” китобида бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятини ҳимоя қилади, аммо у ҳам муайян шароитларда давлат назоратининг зарурлигини инкор қилмайди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Вахабов, Ходиев, Юсуповларнинг (2022) “Макроиқтисодиёт” дарслигида реал секторни иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида кўриш ҳамда уни тартибга солишнинг фискал ва монетар воситалари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Айниқса, инвестициялар, саноат сиёсати ва давлат

харажатлари орқали реал секторни қўллаб-қувватлаш механизмлари аниқ мисоллар билан ёритилган.

Муродовнинг (2021) “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш” номли асарида эса Ўзбекистон шароитида давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, бюджет сиёсатини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар яратиш каби амалий чора-тадбирлар чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф реал сектор тармоқларида самарали бошқарув тизимини яратиш заруриятига урғу беради.

Давлат сиёсатининг амалий жиҳатларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2024 йиллардаги фармонлари, “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш йиллик стратегияси”, ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг расмий материаллари асосий манба ҳисобланади.

Халқаро тажрибага мурожаат қилинганда, Жаҳон банкининг “Global Economic Prospects”, Халқаро Валюта Жамғармасининг “World Economic Outlook” ҳисоботлари, ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг “Транзитион Репорт”лари орқали саноат сиёсатини, субсидия тизимларини, экспортни қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик (PPP) моделларини ўрганиш мумкин.

Портернинг (1990) “The Competitive Advantage of Nations” асарида эса миллий иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлашда давлатнинг фаол иштироки ва саноат кластерларини ривожлантириш зарурияти назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мавзуга оид адабиётлар таҳлили реал секторни тартибга солиш борасида бой назарий ва амалий тажриба тўпланганини кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитига мос инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш, илғор халқаро тажрибаларни миллий моделга интерпация қилиш долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолада реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари, меъёрий-институционал механизмлари, амалий воситалари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тизими илмий асосда ўрганилди. Тадқиқот предмети ва объекти хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-услубий ёндашувлар ва методлар мажмуавий равишда қўлланилди:

Биринчидан, **назарий ёндашув** асосида реал секторни тартибга солишга оид мавжуд иқтисодий парадигмаларнинг ривожланиши, уларнинг контсептсиявий асослари таҳлил қилинди. Жумладан, Кейнес (1936) томонидан ишлаб чиқилган давлат аралашуви заруриятига оид қарашлар, хусусан, “The General Theory of Employment, Interest and Money” асарида баён этилган фикрлар реал секторни рағбатлантиришда фискал воситаларнинг аҳамиятини асослашда назарий таянч бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, М. Фридман ва бошқа монетаристлар томонидан таклиф этилган чекланган давлат аралашуви концепсиялари солиштирилди.

Иккинчидан, **таҳлилий метод** орқали Ўзбекистон Республикаси томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, хусусан, “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси” доирасида қабул қилинган реал секторни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар таҳлил қилинди. Мисол тариқасида, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари ўрганилди ва уларнинг натижавийлик даражаси баҳоланди.

Учинчидан, **солиштирма таҳлил усули** реал секторни тартибга солишда Ўзбекистоннинг ёндашувларини ривожланган ва ривожланаётган давлатлар, хусусан, Жанубий Корея, Туркия ва Полша тажрибаси билан солиштиришда қўлланилди. Бу орқали экспортни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни субсидиялаш ва кластерлаш сиёсатлари борасида миллий амалиётнинг устун ва заиф жиҳатлари аниқлаб берилди.

Тўртинчидан, **статистик таҳлил** воситасида Давлат статистика агентлиги, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби ишончли манбалар маълумотларидан фойдаланиб, реал секторнинг асосий кўрсаткичлари — ишлаб чиқариш ҳажми, асосий капиталга инвестициялар, бандлик даражаси, экспорт салоҳияти каби омиллар ўрганилди. Масалан, 2020–2023 йиллар мобайнида автомобилсозлик ва тўқимачилик тармоқларидаги ўсиш суръатлари таҳлили орқали тартибга солиш чоралари самарасининг миқдорий баҳоси амалга оширилди.

Бешинчидан, **индуктив ва дедуктив методлар** орқали тадқиқотнинг назарий жиҳатлари ва амалий ҳолатлари ўзаро уйғунлаштирилди. Жумладан, давлат-хусусий шериклик (ППП) моделининг назарий асослари Тошкент шаҳрида амалга оширилган “Технопарк” лойиҳаси мисолида таҳлил қилиниб, реал секторни давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида ривожлантиришнинг афзалликлари асослаб берилди.

Олтинчидан, **эксперт баҳолаш усули** асосида соҳа мутахассислари, иқтисодчи-олимлар ва амалиётчи раҳбарлар фикрлари умумлаштирилди. Хусусан, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакиллари билан олиб борилган суҳбатлар натижасида реал секторда учраётган тизимли муаммолар (молиялаштириш, технологик модернизация, ресурслар тақсимооти) аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги методологик ёндашувлар реал секторни давлат томонидан тартибга солиш масаласини тизимли, комплекс ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилишга имкон берди. Бу эса ўз навбатида, мақола натижалари асосида таклиф этилган илмий-амалий тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятларини оширади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Амалга оширилган тадқиқотлар реал секторни давлат томонидан тартибга солишни тақозо этувчи қуйидаги сабабларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади:

1. Реал секторни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмнинг самарали ишлаши учун шароит яратиш;
2. Ижтимоий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишда давлатнинг ўрни ва ролини ошириш;
3. Бозор тизимидан ташқарида содир бўлувчи инсон фаолияти ва табиатнинг зарарли оқибатларидан (инсон саломатлигига, табиатга зиён етказувчи омиллар) аҳолини ҳимоя қилиш;
4. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Жаҳон тажрибаси реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги усуллари мавжудлигини кўрсатади:

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- билвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Реал секторга давлатнинг бевосита таъсир қилиш усулларида иқтисодий қарорлар қонун чиқарувчи орган ёки ҳукумат қарорларига асосланади. Бу усулларга солиқлар тўғрисидаги қонун, давлат бюджети билан боғлиқ операциялар ва бошқалар киради. Бу усулларнинг асосий афзаллиги - натижага эришиш тезлиги ва аниқлигидадир. Бундай усулларнинг камчилиги бозор механизми эркин ишлашининг бузилиши ҳисобланади, бунинг натижасида миллий иқтисодиётда турли хил номутаносибликлар юзага келиши мумкин.

Билвосита таъсир қилиш усуллари давлатнинг иқтисодий тизимга бевосита аралаша олмаслигидир. Бундай таъсирнинг асосий афзаллиги бозор механизмига аралашувнинг йўқлигидадир, бу эса макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишига сабаб


бўлмайди. Камчиликларига эса, ҳукумат қарорлари ва сиёсат натижаларини узоқ вақт давомида қабул қилиш ва амалга ошириш киради.

Реал секторда иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ҳар иккала механизмнинг ижобий жиҳатларини бирлаштириш керак. Бу эса реал секторни рационал бошқаришдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг ташқи-иқтисодий фаолияти давлат томонидан у ёки бу даражада ва турли шаклларда тартибга солинади, лекин ушбу тартибга солишнинг мақсадлари ва усуллари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими, миллий иқтисодиётнинг ҳолати ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеига боғлиқ. Иқтисодиётнинг реал секторини давлат томонидан ташқи иқтисодий усуллар билан тартибга солишда тарифлар, солиқлар ва йиғимлар тизими, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун субсидиялар бериш, ташқи иқтисодий фаолиятни имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш кабиларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Реал секторни тартибга солишнинг давлат механизми бозор механизми билан узвий боғланган. Самарасиз давлат бошқаруви билан иқтисодий барқарор ривожланиб бўлмаганидек, ижтимоий ривожланиб ҳам бўлмайди. Бу борада таниқли иқтисодчи Самуэлсон шундай дейди – “Иқтисодиётни у ёки бу механизмсиз бошқариш – бу бир қўлда қарсак чалиш билан баробардир”. Реал секторда амалга ошириладиган иқтисодий сиёсат унинг стратегик вазифаларидан келиб чиқиб жамиятда ишлаб чиқариш, даромад ва неъматларни тақсимлаш жараёнларини тартиблаш учун давлат томонидан жорий давр ичида қўлланиладиган чора-тадбирлар тизимида ўз аксини топади.

Давлатнинг ушбу сиёсати ташқи иқтисодий, таркибий-инвестициявий, институционал, аграр, саноат, ижтимоий, нарх, молиявий, солиқ-бюджет, пул-кредит, ҳудудий (минтақавий) сиёсатларни ўз ичига олади (1-расм)



1-расм. Давлатнинг иқтисодий сиёсати

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Реал секторда амалга ошириладиган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш давлатнинг унга таъсир этиш механизмини ташкил этувчи чора-тадбирлар, воситалар мажмуасидан фойдаланишни назарда тутати. Ушбу сиёсат усуллари куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Реал секторга тўғридан-тўғри таъсир қилиш чоралари. Бу усуллар хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақил равишда эмас, балки давлат кўрсатмаларига кўра қарор қабул қилишини назарда тутати. Масалан, солиқ кодекси, амортизация тўловлари соҳасидаги талаблар, давлат инвестициялари учун бюджет тартиблари ва ҳоказолар.

2. Реал секторга билвосита таъсир чоралари. Бу усулларнинг моҳияти шундан иборатки, давлат хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қабул қилинадиган қарорларга бевосита таъсир кўрсатмайди. У фақат иқтисодий субъектларнинг иқтисодий сиёсат мақсадларига мос келадиган иқтисодий қарорларни мустақил танлаши учун шароит яратади.

Тадқиқотлар реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг биз юқорида кўрсатиб ўтган усуллардан ташқари, яна куйидаги усуллари мавжудлигини кўрсатди:

- Маъмурий усул (лицензиялаш, квоталаш орқали бошқариш);
- Ҳуқуқий усул: хўжалик ва фуқаролик қонунчилиги доирасида нормалар ва қоидалар ишлаб чиқиш;
- Тўғридан тўғри усул: имтиёзли субсидиялаш, дотация бериш, ҳк;
- Билвосита усул: пул кредит сиёсати, солиқ сиёсати (Keynes, 1936).

Ташқи иқтисодий фаолият давлат томонидан маъмурий тартибга солиш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Улар ташқи иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади. Ташқи савдо фаолияти учун квоталар ажратиш ва лицензиялаш - маъмурий тартибга солиш тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Квоталаш - экспорт ва импорт чекловларига нисбатан қўлланилади. У давлатларaro ва миллий даражаларда амалга оширилади. Квоталар мамлакат ички эҳтиёжларини қондириш ва нархлар даражасини (экспорт квоталари) ушлаб туришда қўлланилади ва хорижий товарларнинг миллий бозорларга кириб келишини чеклайди. Масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари тўқимачилик маҳсулотлари, Россия эса рангли металллар импортига квоталар қўллайдилар (Friedman, 1962).

Лицензиялаш деганда, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олиш тушунилади. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти, молия операциялари ўтказиш, хорижда ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади, бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган. Лицензиялаш маълум вақт давомида умумдавлат мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар, хизматлар билан битимлар бўйича экспортни (импортни) чегаралаш ва носоғлом рақобатни огоҳлантириш чораси сифатида қўлланилади. Лицензиялар квотали товарлар (масалан, ядровий материаллар, қимматбаҳо металллар, психотроп препаратлар ва гиёҳвандлик воситалари) учун квота доирасида ёки этказиб бериш шартномасини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган воситачи ташкилот томонидан экспорт қилинган тақдирда берилади.

Реал секторни давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш усуллари деганда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва норматив ҳужжатлар тизими тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети жамият, фуқаролар, давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлардир. Реал секторга давлат томонидан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш ҳуқуқ-атвор нормаларини белгилаш, буйруқлар (кўрсатмалар) бериш, буйруқ ва кўрсатмаларнинг сўзсиз бажарилиши устидан назорати, хўжалик юритувчи

субъектларнинг буюртмаларини бажармаслик учун тўлиқ жавобгарлик муқаррарлигида ўз аксини топади (WB, n.d.).

Реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усули – яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри, маъмурий тартибга солишдир. Масалан, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари транспорт, алоқа, атом ва электр энергетикаси, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларни бевосита бошқариш; нархлар ва иш ҳақини “музлатиб” қўйиш сиёсати; иш билан бандлик хизмати фаолиятини ташкил қилиш; иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш.

Давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усулларига эса, иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит (монетар) ва солиқ-бюджет (фискал) сиёсатида ўз ифодасини топади.

Реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усули ҳисобланган монетар сиёсат - бу давлатнинг пул массаси ва фоиз ставкаларини бошқариш сиёсатидир. Давлатнинг пул-кредит тизими орқали пул таклифи, нархлар даражаси, тўлов баланси, инвестицион фаоллик, иқтисодиёт реал сектори, иқтисодий ўсиш суръатлари ва турли макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этишга қаратилган воситалар, механизмлар, чора-тадбирлари йиғиндисидир. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, пул-кредит сиёсати даврий тебранишларни юмшатишга қаратилган бўлиб, ўсиш даврида у мамлакат иқтисодиётининг ҳаддан ташқари қизиқ кетишига йўл қўймайди, инқироз пайтида у иқтисодий фаолиятга туртки беради.

Реал секторни тартибга солишдаги давлатнинг монетар сиёсатининг асосий мақсадларига қуйидагилар киради:

1. Мамлакат тўлов балансининг мувозанати. Бошқа мамлакатлар билан савдо

Қилишдан мақсад мамлакатнинг тўлов қобилятини таъминлашдан иборатдир. Миллий валюта курси қанча паст бўлса, маҳаллий корхоналар ўз маҳсулотларини чет элга сотиши осонлашади, аммо импорт қимматга тушади. Тўғри тўлов балансини ўрнатиш - пул сиёсатининг вазифаси ҳисобланади.

2. Ресурсларнинг тўлиқ бандлиги. Пул-кредит сиёсати мамлакатнинг барча иқтисодий (шу жумладан, ишчи кучи) ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлайди. Оқилона олиб бориладиган пул-кредит сиёсатини юритиш орқали мамлакатда ишсизлик даражаси минималлашади ва корхоналар тўлиқ қувват билан ишлайди.

3. Инфляцияни бошқариш. Инфляциянинг юқори ва жуда паст даражаси ҳам миллий иқтисодиёт ва фуқаролар фаровонлиги учун хавф туғдиради. Пул-кредит сиёсати инфляциянинг салбий оқибатларини юмшатиш ва пулни қадрсизланишдан ҳимоя қилади.

Марказий банк ўзининг ва давлатнинг қимматли қоғозларини, хорижий валюталарни эркин сотиш ва сотиб олиш, маблағларни депозитларга жалб қилиш ва қайтариш, мажбурий захира талаблари меъёрини ва қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш орқали банкларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилади (1-жадвал).

Марказий банк юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали муомаладаги ортиқча пул массаси ҳажмини иқтисодиёт учун зарур бўлган миқдоргача камайтиради. Пул массасининг камайиши ҳисобига инфляция даражаси пасаяди ва миллий валюта курсининг барқарорлиги ошади. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг тобора ошиши, мамлакатда жамғармалар ва иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланишига қулай шарт-шароитлар яратади.

1-жадвал

Монетар сиёсат воситаларининг турлари (IMF, n.d.)

Бевосита воситалар	Билвосита воситалар
Фоиз ставкаларини чегаралаш	Очиқ бозордаги операциялар
Мақсадли кредитлар	Мажбурий захиралар
Ҳар бир банк учун кредитлаш миқдорини белгилаш	Векселларни қайта ҳисобга олиш механизми
Ҳар бир банк учун ҳисобга олиш меъёрларини белгилаш ва бошқалар	Қисқа муддатли депозитлар механизми
	Кредит аукционлари
	Ломбард ёки овердрафт механизмлари
	Валюта своплари ва бевосита олди-сотди операциялари


Тадқиқотлар реал секторни давлат томонидан тартибга солиниши турли услублар билан амалга оширилишини кўрсатади. Улар: иқтисодий, қонуний-маъмурий ва ижтимоий-маданий услублардир. Ушбу услублар турли воситалардан фойдаланган ҳолда турли усуллар орқали амалга оширилади (2-расм).



2-расм. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг услуби, усули ва воситалари (EBRD, n.d.)

Юқорида таъкидлаб ўтилган реал секторни давлат томонидан тартибга солиш усуллари тўғри ва эгри усулларга бўлинади. Тўғри усулларга: давлат субсидияси, давлат тадбиркорлиги, иқтисодиётни давлат бошқаруви тизими кирса, эгри усулларга: солиқ, жарима, квоталар, божхона божлари ва бошқалар киради (3-расм).

Демак, давлат реал секторга тўғри ва эгри усуллар орқали таъсир этар экан, ўз навбатида реал сектор иқтисодиётига маълум бир воситалар ёрдамида ҳам ўз таъсирини ўтказади. Хусусан, 3-расмда орқали давлатнинг ушбу секторга таъсир этишининг эгри усуллари ҳисобланган ташкилий, пул-кредит, бюджет – солиқ, инвестиция сиёсатлари ва индикатив режалаштириш орқали таъсир кўрсатишининг ҳар бир сиёсатга доир воситаларга эгалигини кўришимиз мумкин. Бу ерда индикатив режалаштиришга тўхталадиган бўлсак, у бозор ва бозор механизмига қарама-қарши бўлмасдан, аксинча ишлаб чиқаришнинг қулай йўллари танлашда, ресурслар билан ўз вақтида таъминлашда, фойдаланилмаган захира ва имкониятларни қўллашга ҳамда рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланишга ва турли хил таваккалчиликларни камайитиришга имкон беради. Бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан қарорлар қабул қилиш масъулиятини ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини кенгайтирган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари ўз зиммасига олади (Sharipova, 2022).



3-расм. Давлатнинг реал секторга таъсир этиш усуллари ва воситалари
(Porter, 1990)

Бизга маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 устувор йўналишидан энг биринчиси ҳисобланган “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш” йўналишининг 45-46 асосий мақсадлари қаторидан жой олган “пул-кредит, фискал ва ташқи савдо сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш” каби асосий ғоялар бугунги кун иқтисодиётининг ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Мазкур йўналишлар доирасида келгуси етти йилда иқтисодиёт ҳажмини икки баробарга ошириш, хусусан, пул-кредит, фискал ва ташқи савдо сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда товар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яхшилашга қаратилган таркибий ислохотларни давом эттириш орқали 2030 йилга бориб йиллик инфляцияни 5-6 фоиз даражасида таъминлаш, иқтисодиётда трансформация ва институционал ислохотларни изчил давом эттириш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ҳамда мувозанатлашган пул-кредит сиёсатини амалга ошириш (Фармон, 2023) мақсад қилинган.

Халқаро амалиётдан маълумки, миллий иқтисодиётда реал секторни давлат томонидан тартибга солиш механизмида тартибга солишнинг бюджет-солиқ ва кредит шакллари муҳим ўринни эгаллайди. Солиқлар давлат бюджетининг даромадлар қисмини молиявий ресурслар билан таъминлашда асосий фискал функция билан бирга,

тақсимлаш вазифаси ва маҳсулотларни алоҳида турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Ёки аксинча, солиқларни барқарор тутиб туриш, баъзи ишлаб чиқаришнинг ўсишини чеклайди. Ҳар қандай давлат солиқ тушумларининг барқарор ўсиши ва шунга мос равишда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишга интилади. Бунинг энг самарали йўли ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, солиқ маданияти даражасини ва солиқ тўловчиларнинг жавобгарлигини ошириш, шунингдек фискал сиёсат ва солиқ муносабатларининг уйғунлигини таъминлашдан иборат бўлади. Бироқ, дунёнинг аксарият мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ноқулай тенденцияларнинг кучайиши шароитида (доимий инқироз ҳодисалари, ижтимоий кескинлик, террористик таҳдидлар, аҳолининг қариши, табиий офатлар ва бошқалар.) реал секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга талаб ортиб бормоқда, бу бюджет харажатларининг ўсишига ва солиқ босимининг ошишига сабаб бўлади. Салбий оқибатларни минималлаштириш мақсадида ваколатли давлат органлари фискал муносабатларни давлат бошқарувининг жаҳон амалиётининг илғор тажрибаларини ўрганиб, уларни оптималлаштириш ҳамда жаҳон иқтисодиётининг замонавий шароитларига мослаштириш мақсадида фискал сиёсат йўналишларни белгилашга ва ўзгартиришлар киритишга ҳаракат қилишади. Ушбу йўналишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш учун зарурдир. Бунда мавжуд молиявий ресурсларни объектив баҳолаш, бюджет харажатларини камайтириш захираларини аниқлаш ва жамиятдаги солиқ таранглигини барқарорлаштириш энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Умуман олганда фискал муносабатларининг концептуал асосларини турли даражадаги давлат бошқарувида (республика, вилоят, туман) қабул қилинган норматив қонун ҳужжатлари ташкил этади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида концептуал асос биринчи навбатда давлат Конституцияси, солиқ ва бюджет кодекслари, шунингдек бюджет - солиқ муносабатларининг турли жиҳатларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Фискал сиёсат доирасида бевосита ҳаракат чоралари давлат харажатларидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Бюджет харажатлари орқали давлат секторини молиялаштириш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш орқали ресурслар, товарлар ва хизматлар бозорида харидлар амалга оширилади. Ушбу харажатлар миллий маҳсулотнинг аҳолининг барча қатламлари биргаликда фойдаланишига кетадиган улушини кўрсатади. Улар ЯИМ динамикасига катта таъсир кўрсатади. Давлатнинг реал секторни тартибга солишдаги фискал сиёсати доирасидаги иқтисодий таъсир чоралари солиқларни ўзгартириш сиёсатини (турлари, ставкалари, ундириш тартиби) ўз ичига олиши керак.

Солиқлар ва уларнинг ҳажми давлат бюджети харажатлари миқдорига боғлиқ бўлиб, бюджет даромад қисмининг 90 % ва ундан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Шунинг учун солиқларнинг ундирилиши – бу миллий даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига ўтказиш жараёни ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда солиқлар ЯИМ га нисбатан 30% дан 50% гача ташкил этади. Солиқлар иқтисодий ўсишга муҳим таъсир кўрсатади. Солиқ миқдори ЯИМга нисбати юқори бўлган шароитда иқтисодий ўсиш секинлашади, ёки аксинча бўлса, иқтисодий ўсишни кучайтиради ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондирилишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатнинг назорат қилувчи органларининг фаолияти мамлакатда солиқлар ва йиғимларни ихтиёрий тўлаш даражасини оширишга қаратилган. Иқтисодиёти юқори даражада ривожланган давлатларнинг аксарияти солиқларни ихтиёрий равишда тўлашнинг юқори даражаси билан ажралиб туради.

Хулоса ва таклифлар.

Реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг маълум чегаралари ҳам мавжуд бўлиб, улар давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирдан келиб чиқади. Реал секторга давлатнинг ҳар қандай аралашуви маълум харажатларни тақозо этади. Уларга энг аввало тартибга солишни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича харажатларни киритиш мумкин. Шунингдек, тартибга солишнинг у ёки бу шакли бозор мувозанати, ишлаб чиқариш ҳажми ва ресурсларнинг қайта тақсимланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунда тартибга солишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг миқдори давлатнинг реал секторни тартибга солиши натижасида олинган самарадан кам бўлиши лозим. Уларнинг нисбати давлатнинг реал секторга аралашуви чегараларини белгилаб беради.

Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш объектив равишда шартланади. Кўплаб иқтисодчилар реал секторни давлат томонидан тартибга солишининг зарурлигини фақат бозорнинг камчиликлари, унинг кўплаб иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаслик ҳолати билан изоҳлайдилар. Бу маълум маънода тўғри бўлсада, бироқ, реал секторга давлат таъсирининг объектив зарурлиги энг аввало ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан белгиланади. Реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив асоси бўлиб ҳам миллий иқтисодиёт даражасида, ҳам халқаро миқёсда ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши негизида ишлаб чиқаришнинг умумлашуви жараёни хизмат қилади. Ушбу жараён қуйидагиларда намоён бўлади:

- чуқурлашиб бораётган ижтимоий меҳнат тақсимои асосида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган тармоқларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги янада кучаяди;
- ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви ва марказлашуви натижасида алоҳида хўжалик бирликларининг майда бўлакларга ажралиб кетиш ҳолатлари барҳам топади;
- ишлаб чиқаришнинг йирик корхоналарда тўпланиш жараёни ўсади;
- турли иқтисодий минтақалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва фаолият алмашинуви жадаллашади.

Шунга кўра, реал секторни давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳар қандай тизимида ишлаб чиқариш умумлашувининг маълум даражасида объектив заруриятга айланади. Шундай қилиб, турли мамлакатларда реал секторни давлат томонидан бошқарув механизмнинг самарадорлигини ошириш меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, шунингдек, фискал муносабатларни бошқаришнинг янги ёндашувлари ҳамда усуллари ишлаб чиқишга ва замонавий иқтисодий шароитларга мослаштиришга боғлиқдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, реал сектор иқтисодиётига давлат томонидан оқилона пул-кредит ва тўғри солиқ сиёсатларининг юритилиши, янгиланаётган Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг ва фискал муносабатларнинг ролини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар /Литература / References:

- Abulqosimov H.P., Xamrayev O.Ya. (2014) "Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish", *O'quv qo'llanma, Toshkent Iqtisod-Moliya*, 12-бем.
- Dastur (n.d.) *O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi rasmiy hujjatlari va strategik dasturlari* – www.miit.uz
- EBRD. (n.d.) *Transition Report: Business Environment and Enterprise Performance Survey* – www.ebrd.com
- Friedman, M. (1962) *Capitalism and Freedom*. – Chicago: University of Chicago Press.
- IMF (n.d.) *International Monetary Fund. World Economic Outlook* – www.imf.org
- Keynes, J.M. (1936) *The General Theory of Employment, Interest and Money*. – London: Macmillan.

Lex.uz (n.d.) Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023–2024 йиллардаги иқтисодий ислохотларга оид фармон ва қарорлари. – www.lex.uz

Porter, M. E. (1990) The Competitive Advantage of Nations. – New York: Free Press.

Sharipova U.A. (2022) "Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishning xorijiy tamlakatlar tajribasi", Междунaродный научный журнал № 2 (100), часть 2 «Научный импульс» сентябр.

WB (n.d.) World Bank. Global Economic Prospects Reports – www.worldbank.org

Анатолий Мурашов. (n.d.) Государственное регулирование экономики и его методы. Подробнее: <https://zaochnik.com/spravochnik/menedzhment/antikrizisnoe-upravlenie/ekonomicheskoe-regulirovanie/>

Вахабов А. В., Ходиев Ш. Х., Юнусов С. И. (2022) Макроэкономика. – Т.: «Sharq».

Қувнақов Ҳ.Қ. Абдуллаева М.К., (2014) ТДИУ. "Аграр озиқ-овқат секторини индикатив режаслаштириш". "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август.

Муродов Н. М. (2021) Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Iqtisodiyot.

Саутиева Т.Б. (2006) Методы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности в России. Российский внешнеэкономический вестник № 8 (Август).

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли фармон.